



ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE WOMEN'S COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN INCREASING WOMEN'S SOCIAL ACTIVITY

Khulkar Yuldashevna Kholikulova

*Associate Professor at the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: gender equality, Women's Committee, socio-political participation, state reforms, women's leadership.

Received: 08.08.25

Accepted: 09.08.25

Published: 10.08.25

Abstract: This article analyzes the role and significance of the Women's Committee of the Republic of Uzbekistan in enhancing women's social and political participation. It examines state policies and reforms implemented since the early years of independence to ensure gender equality, the evolution of the committee's activities, structural transformations, and their outcomes. A comparative analysis of the committee's legal framework, initiatives, systemic challenges, and foreign experiences is provided. Furthermore, the article discusses contemporary approaches to gender equality policy and outlines the committee's future strategic objectives.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИННИГ АЁЛЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Хулкар Юлдашевна Холикулова

*Ўзбекистон Республикаси хукуқни
муҳофаза қилиши Академияси доценти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: гендер тенглиги, Хотин-қизлар қўмитаси, ижтимоий-сиёсий фаоллик, давлат ислоҳотлари, аёллар етакчилиги.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишдаги ўрни ва роли таҳдил қилинади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб гендер тенглигини таъминлаш йўлида амалга оширилган давлат сиёсати ва

ислоҳотлар, қўмита фаолиятидаги эволюция жараёни, тузилмавий ўзгаришлар ҳамда уларнинг самараси ёритилади. Мақолада қўмитанинг ҳуқукий асослари, амалга оширган ташаббуслари, тизимли муаммолари ва хориж тажрибаси билан таққослама тахлил ҳам берилади. Шунингдек, гендер тенглик сиёсатидаги замонавий ёндашувлар ҳамда келгусида қўмитанинг стратегик вазифалари муҳокама этилади.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КОМИТЕТА ЖЕНЩИН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ПОВЫШЕНИИ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН

Хулкар Юлдашевна Холикулова
Доцент Правоохранительной академии
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: гендерное равенство, Комитет женщин, социально-политическая активность, государственные реформы, женское лидерство.

Аннотация: В статье анализируется роль и место Комитета женщин Республики Узбекистан в повышении социальной и политической активности женщин. Рассматриваются государственная политика и реформы, проведённые с первых лет независимости для обеспечения гендерного равенства, эволюция деятельности комитета, структурные изменения и их результаты. Приведён сравнительный анализ правовой базы, инициатив комитета, системных проблем и зарубежного опыта. Кроме того, обсуждаются современные подходы к политике гендерного равенства и стратегические задачи комитета на будущее.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат ва жамият томонидан гендер тенглигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар сиёсий ва ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг ажralмас қисмига айланди ҳамда устувор ўйналишлардан бири сифатида давом этмоқда. Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятини барпо этишини эълон қилган пайтда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш учун қонуний базани яратиш йўлидан борди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш,

ижтимоий-иктисодий ва сиёсий фаолигини ошириш йўлида бир қатор ташаббусларни амалга оширди. Шу билан бирга, 2018 йилга қадар бўлган даврда мазкур қўмита фаолиятида қатор тизимли муаммолар ва тўсиқлар мавжуд бўлгани маълум. Масалан, институционал заифлик ва хуқукий асосларнинг етарли эмаслиги қўмита фаолияти самарадорлигини чеклаб келди. Хотин-қизлар қўмитаси аксар ҳолларда фақат маслаҳатчи ва қўмакчи орган сифатида қабул қилингани боис, унинг қабул қилган қарорлари ва таклифлари ижро ҳокимияти органлари учун мажбурий кучга эга эмас эди. Бу эса аёллар масаласидаги давлат сиёсатида тизимли ёндашувнинг шаклланишига тўскенилик қиласа.

Бундан ташқари аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида қўмита фаолияти ва мақсадлари ҳақида етарли ахборотнинг мавжуд эмаслиги ҳам ижтимоий ишонч даражасини паст бўлишига олиб келган. Хотин-қизлар қўмитаси кўп ҳолларда давлат идораси сифатида қабул қилинган, унинг жамоатчилик билан мулоқот ва ҳамкорликка асосланган фаолияти кенг қўлланилмаган.

2018 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлашда муайян натижаларга эришган бўлсада, тизимли муаммолар унинг фаолиятини чукур ва кенг қамровли ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатиб турди. Бу ҳолат 2018 йилдан кейинги даврда аёллар масалаларига янги стратегик ёндашувларни жорий этиш заруриятини юзага чиқарди.

2017–2025 йиллар давомида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир фармони, икки қарори, Вазирлар Маҳкамасининг олти қарори ва тўртта фармойиши қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонига асосан Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти янги босқичга қўтарилилди. Ушбу меъёрий хужжатлар асосида аввалги фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тубдан қайта ташкил қилинди. Уларнинг ваколатлари кенгайтирилди, фаолияти самарадорлигини ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Хозирги кунда мамлакат бўйлаб Хотин-қизлар қўмитасининг 208 та бўлимлари ва 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлари самарали иш олиб бормоқда. Тузилмавий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. 2017–2019 йил июнь ойига қадар Танзила Норбоева, 2019 йил июндан 2020 йил феврал ойигача Элмира Боситхонова тизимга раҳбарлик қилди.

Қўмитанинг ҳудудий бўлимлари қошида “Хуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фахрий аёллар” каби

жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда. Шунингдек, “Йил аёли” ва “Ибратли оила” каби танловлар ҳам анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Жамиятда фаоллик кўрсатаётган, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган аёлларни рағбатлантириш мақсадида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди. 2019 йилда ушбу мукофот билан 260 нафар, 2021 йилда эса 297 нафар аёл тақдирланди.

2019 йилда, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар чуқурлашиб борди, фуқаролик жамияти асослари янада мустаҳкамланди. Бу жараёнда хотин-қизларни турли шаклдаги тазийик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш, уларга нисбатан камситиш ҳолатларини бартараф этиш, шахснинг эркин ривожланиши учун шарт-шароит яратиш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Айниқса, аёлларни турли тазийклардан асраш, уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш, оиласда соғлом муҳитни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган чоратадбирлар соҳадаги норматив ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида мухим ўрин тутаяпти .

2020 йил 18 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4602-сонли қарори асосида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсатини самарали амалга ошириш вазифаси Махалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги зиммасига юклатилди. Мазкур қарорда хотин-қизларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун тенг ҳукуқ ҳамда тенг имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларни давлат бошқаруви тизимидағи иштироки ва таъсирини кучайтириш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслахатчилари лавозими жорий этилди. Бу янгилик, аёллар манфаатини маҳаллий даражада тўғридан-тўғри ҳимоя қилишга хизмат қилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми ва таъсирини янада мустаҳкамлаш, уларга янги имкониятлар эшигини очиш мақсадида Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Ҳудудлардаги хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслахатчилари бошчилик қилиб келмоқда. Президент ушбу кенгашни ташкил этиш таклифини илгари сурганида, у жамиятнинг тараққиёти, турмуш даражасининг юксалиши аввало аёлларга боғлиқ эканини аниқ ва равшан таъкидлади.

2022 йил 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш бўйича янги институционал тизим асосларини

белгилаб берди. Шунингдек, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари ҳамда Сенат аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб боради. Тегишли равишда вилоят, туман ва шаҳарлардаги қўмита раҳбарлари ҳоким ўринбосарлари сифатида иш юритади. Қўмита томонидан Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси ва “Аёллар дафтари” жамғармаси фаолияти мувофиқлаштирилади.

Ушбу Фармон асосида:

- Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси,
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси,
- Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари лавозимлари,
- Туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари лавозимлари жорий этилди ва қўмита фаолиятида бошқарув тизими такомиллаштирилди.

Шунингдек, 49 нафар штат бирлигидан иборат Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси, 168 нафар штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларининг намунавий тузилмаси, 621 нафар штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларининг намунавий тузилмаси ташкил топди. 2022 йил 1 мартаңдан 30 декабрга қадар Зулаҳо Маҳкамова Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси сифатида раҳбарлик қилди.

2022 йил 7 марта, Президентнинг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга оид ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–87-сонли фармони эълон қилинди.

Шунингдек, давлат органлари ва 50% ёки ундан ортиқ давлат улушига эга ташкилотлардаги раҳбарлар ичида керакли ҳолларда камида 1 нафар хотин-қиз раҳбар ўринбосари сифатида тайинланиши талаб этилди.

Президент таъкидлаганидек: “Аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик ва маданият юқори бўлади. Шу боис, хар бир вазирлик, давлат компанияси, банк ва бошқа идоралар бир-икки йил ичида ўз тизимидаги хотин-қизларни раҳбарликка тайёрлаб, камида 1 нафар ўринбосарни аёллардан тайинлайди.” Ҳозирги кунда республика миқёсида 1 400 га яқин хотин-қиз давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Бугунги куннинг долзарб масаласи — хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироқини таъминлаштириш. Миллий

сиёсатимизнинг марказида эса — оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг ҳукуқий ҳимояси ва тинч, осуда ҳаётини кафолатлаш каби эзгу мақсадлар турибди.

2022 йил 21 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси сифатида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бўйсунивига ўтказилди.

2023 йил 31 январдан бугунги кунга қадар Оила ва хотин-қизлар қўмитасида Озода Парпибаева раҳбарлик қилиб келмоқда. 2023 йил 21 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бўйсуниви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Ушбу Фармонга биноан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида мавжуд Бош вазир ўринbosари штати негизида Бош вазир ўринbosари Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими жорий этилди. Қўмита раиси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринbosари Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозими, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринbosарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошликлари лавозими, туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринbosарлари туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошликлари лавозими киритилди. Ўзбекистон Республика оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий тузилмаси қўйидаги тартибда тузилди:

Илмий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳукуқлиигини таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жамиятда қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти негизида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори қабул қилиниши натижасида қўмита тизимида давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик чора-тадбирларини ишлаб чиқилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиқда хотин-қизларнинг мамлакатимизни ривожлантиришга бўлган дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, рўй беряётган

жараёнларни англаш ва муҳокама қилишга жалб этиш, шунингдек, уларни фаол фуқаролик позициясига эга бўлишларига ундейдиган тадбирларни ташкил вазифаси белгиланган.

Натижада хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти такомиллаштирилди. Хотин-қизларнинг раҳбар лавозимлардаги улуши 35 фоизга етди, биргина 2022-2023 йилларда 398 минг нафарининг бандлиги таъминланди, 100 минг нафари имтиёзли асосларда олийгоҳларга қабул қилинди, 170 минг нафарига таҳсил олаётган олийгоҳларининг шартнома тўловлари учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилди, 14 минг нафари магистратурада бепул ўқитилмоқда, 198 минг нафари касбга ўқитилди.

Шу билан бирга, хотин-қизларни қўллаб-куватлаш борасида марказий ва қуий ташкилотлар ўртасида тузилмавий алоқалардаги камчиликлар, маъсул вазирлик ва идоралар фаолиятида ўзаро ҳамкорликнинг етарли эмаслиги соҳада қатор камчиликлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, хотин-қизларни фан, таълим ва илмий-ижодий фаолиятга кенг жалб этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарга ўқитиш, ишлаш истагидаги хотин-қизларнинг бандлигига қўмаклашиш, тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ҳамда раҳбар лавозимлардаги улушини ошириш, шунингдек, хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасининг айрим элементларини олишимиз мумкин. Масалан, Германия узоқ йиллик демократик анъаналарга эга ва гендер тенглик масалаларида сезиларли ютукларга эришган давлат ҳисобланади. Германияда гендер тенглик сиёсати нафақат ижтимоий қўллаб-куватлаш, балки тизимли қонунчилик такомиллашуви, илмий тадқиқотлар ва кенг жамоатчилик иштирокига асосланган. Асосий фарқлаш шунда кузатиладики, Ўзбекистондаги хотин-қизлар қўмитаси фаолияти ижтимоий қўллаб-куватлаш, муаммоларни ҳал қилиш ва бандликни таъминлашга қаратилган бўлса, Германияда асосий эътибор гендер тенгликни қонунчилик ва ижтимоий амалиётда тизимли жорий этишга, оила сиёсатини комплекс ривожлантиришга қаратилган. Гендер тенглик масаласида дунёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланган Швециянинг ҳам тажрибасини ошимиз мумкин. Швецияда алоҳида вазирлик ёки агентлик ўрнига, гендер тенглик тамойиллари барча вазирликлар ва давлат институтларининг фаолиятига интеграция қилинган. Бу тажриба Ўзбекистон учун вазирликлараро ҳамкорлик ва гендер масалаларига тизимли ёндашувни ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Таълим тизими, ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш орқали гендер стереотипларини бартараф этиш тажрибаси. Зўравонликка қарши курашишда давлат, ННТ ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлик моделлари мавжуд.

Ўзбекистондаги хотин-қизлар қўмитаси Кўмита, ҳар қанча муҳим ижтимоий вазифаларни бажармасин, айрим ҳолларда унинг қарорлари ижро органлари учун мажбурий кучга эга эмас. Бу холат унинг амалий таъсирини пасайтиради. Бундан ташқари қўмитада муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган ижтимоий, демографик ва гендер таҳлиллар, мониторинг тизими етарлича ривожланмаган. Илмий тадқиқотларга асосланган маълумотлар кам.

Кўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари фаолияти бир хил даражада эмас. Айрим ҳудудларда кадрлар салоҳияти паст, ташкилий ресурслар кам, натижада манзилли ишларни амалга оширишда самарадорлик паст. Кўмита фаолиятининг кенг оммага етарлича ёритилмаслиги, айниқса ёшлар ва эркаклар ўртасида фаол мулоқотнинг йўқлиги хотин-қизлар масалаларида жамиятнинг умумий онгини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадид қуидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

1. Кўмитанинг хуқуқий мақомини тақомиллаштириш орқали унинг қарорларини давлат органлари учун мажбурий кучга эга этиш лозим. Бу орқали хотин-қизларга оид қарорларни амалга ошириш механизми мустаҳкамланади.

2. Кўмита қошида илмий-тадқиқот ва таҳлил маркази ташкил қилиниши, социологик сўровлар, статистик таҳлиллар, гендер тенглилкка оид маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилишни доимий равища йўлга қўйиш муҳим.

3. Оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформаларда қўмита фаолиятини кенг ёритиш, ёшлар ва эркакларни хотин-қизлар хуқуқлари бўйича маърифатли қилиш, гендер масалаларида фаол мулоқот маданиятини шакллантириш зарур.

4. Аёллар хуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), эксперталар жамоатчилиги ва илмий доиралар билан мустақил ва стратегик ҳамкорлик механизmlарини яратиш. Уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар ва грантлар ажратиш тизимини шаффофлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2. Begaliyevna к. Yangi o’zbekistonda lider ayollarning faoliyatini yanada barqarorlashtirish muammolari. Academic Research in Educational Sciences . Volume 3 | Issue 3 | 2022

3. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Xalqaro xotin-qizlar kuniga bag’ishlab o’tkazilgan tantanali marosimdagи nutqidan//<https://president.uz/uz/>

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti. 07.03.2019//
<https://president.uz/uz/2417>

4. Basitxanova E. O‘zbekiston ayoli: tarix va taraqqiyot. Ayol huquqi qadimiy qadriyatdir. // Mustaqil O‘zbekiston ayollari. –Toshkent: O‘zbekiston, 2004. –B.3.; O‘zbekiston xotin-qizlar qo‘mitasining joriy arxivi, 2013 yil ma’lumotlari.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” 2020 yil 18 fevraldagi PQ-4602 sonli qarori //<https://lex.uz/docs/4740335>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni // <https://lex.uz/docs/5841063>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартағи “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори

8. Oila va xotin-qizlar davlat qo‘mitasi tashkil etildi, unga Zulayho Mahkamova rahbarlik qiladi//<https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/01/women-committee/>;

9. 2022-2026 yillarda xotin-qizlarning mamlakat iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy hayotining barcha jabhalarida //[https://nrm.uz/contentf?doc=faolligini_686891_oshirish__bo'yicha_Milliy_dastur_2022-2026_yillarda_hotin_qizlarning_mamlakat_iqtisodiy_siesiy_va_ijtimoiy_haetining_barcha_jabhalarida_faolligini_osh_irish_bo%E2%80%98yicha_milliy_dastur_\(o%E2%80%98zr_presidentining_07_03_2022_y_pf-87_son_farmoniga_1-ilova\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=faolligini_686891_oshirish__bo'yicha_Milliy_dastur_2022-2026_yillarda_hotin_qizlarning_mamlakat_iqtisodiy_siesiy_va_ijtimoiy_haetining_barcha_jabhalarida_faolligini_osh_irish_bo%E2%80%98yicha_milliy_dastur_(o%E2%80%98zr_presidentining_07_03_2022_y_pf-87_son_farmoniga_1-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

10. <https://gov.uz/oz/wcu/sections/view/9551>